



РЕСПУБЛИКАДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ

PhD, dots. Камилев Дилшод Туйчи ўғли

Самбхрам университети

ORCID: 0009-0009-3453-9489

Джуралева Хилола Ариф қизи

Самбхрам университети

ORCID: 0009-0009-3453-9489

Аннотация. Худудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг ташкилий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини, табиий ресурслар, демографик вазият, маъмурий-худудий тузилиши ва салоҳиятига қараб иқтисодий ривожлантиришни талаб қилади. Ҳар бир худуд аввало ўз имкониятлари жиҳатидан бир-биридан фарқланади, шунинг учун унинг кенг қамровли ва комплекс баҳолаш имкониятини ўргангани иқтисодий ўсиш даражаси, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш, рақобатбардошлик даражасини, янги иш ўрнининг яратилиши, демографик ҳолат, ижтимоий турмуш ва ижтимоий инфратузилмаси алоҳида эътиборга олиниши лозимлиги тўғрисида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: табиий ўсиш, инфратузилма, турмуш сифати, даромад, камбағалликни қискартириш, қонун ва қарорлар, хориж тажрибаси, бошқариш органлари, тадбиркорлик, ишбилармонлик, статистика, самарадорлик, иқтисодий ўсиш, самарадорлик, истеъмол савати табиий ресурслар.

СОСТОЯНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА И ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ

PhD, доц. Камилев Дилшод Туйчи угли

Самбхрамского университет

Джуралева Хилола Ариф кизи

Самбхрамского университета

Аннотация. Состояние организационно-экономического развития регионов для обеспечения экономического роста и повышения качества жизни населения требует экономического развития в зависимости от специфики каждого региона, природных ресурсов, демографической ситуации, административно-территориального устройства и потенциала. Каждый регион отличается, прежде всего, своими возможностями, поэтому его комплексная и всесторонняя оценка должна ориентироваться на экономический рост, устойчивое экономическое развитие, конкурентоспособность, создание рабочих мест, демографическую ситуацию, социальную жизнь и социальную инфраструктуру.

Ключевые слова: естественный прирост, инфраструктура, качество жизни, доход, сокращение бедности, законы и постановления, зарубежный опыт, органы управления, предпринимательство, бизнес, статистика, эффективность, экономический рост, потребительская корзина, природные ресурсы.

THE STATE OF ORGANIZATIONAL-ECONOMIC DEVELOPMENT OF PROVIDING ECONOMIC GROWTH AND IMPROVING THE QUALITY OF LIFE OF THE POPULATION IN THE REPUBLIC

PhD, assoc. prof. **Kamilov Dilshod Tuychi ugli**

Sambhram University

Jurayeva Hilola Arifs kizi

Sambhram University

Annotation. *The state of organizational and economic development of the regions to ensure economic growth and improve the quality of life of the population requires economic development depending on the specifics of each region, natural resources, demographic situation, administrative-territorial structure and potential. Each region differs primarily in terms of its capabilities, so its comprehensive and comprehensive assessment should focus on economic growth, sustainable economic development, competitiveness, job creation, demographic situation, social life and social infrastructure. recommendations on the need for*

Key words: *natural growth, infrastructure, quality of life, income, poverty reduction, laws and regulations, foreign experience, government, entrepreneurship, business, statistics, efficiency, economic growth, consumer basket, natural resources.*

Кириш.

Мамлакатимизда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишида давлат ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги ифодаланади. Бундай ислоҳотлар самарадорлиги аввало кишилар учун муносиб турмуш тарзининг яратилганлигида ҳамда аҳолининг ҳар томонлама қулай шарт-шароитларда истиқомат қилишларига боғлиқ бўлади.

Шу ўринда ҳудудларнинг назарий тавсифланиши, ривожланиш ҳолатини ўрганиш мақсадга мувофиқ, чунки ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини ўрганишда авваламбор уларни ҳудудий жиҳатдан фарқлаш мақсадга мувофиқ. “Ҳудуд - бу бошқа қўшни ҳудудлардан бир қатор хусусиятлари билан ажралиб турадиган: ишлаб чиқариш мазмуни, табиий, меҳнат ресурслари билан чекланганлиги, қандайдир фаолият турига ихтисослашганлиги ҳамда ўзига хос характерли ташқи алоқалар каби баъзи бир яхлитликка эга бўлган учта асосий хусусият билан тавсифланади” (Қонун, 2017). Мазкур тушунча турлича талқин қилиниши билан бирга уларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий ва ҳудудий бўлиниши билан белгиланадиган умумий асосга эга. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳудудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг ташкилий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ҳам бир – биридан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида (Мирзиёев, 2020) “...Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жадал давом этмоқда. Менинг дастлабки кашфиётим камбағалликни камайтиришга қатъиятимизни кўрсатди. Биз бундай воситадан тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, замонавий инфратузилмани қуриш ва янги кишиларни касбга ўргатиш учун фойдаланамиз”.

Шу ўринда тадқиқотларга асосланиб, ҳудудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг ташкилий- ҳуқуқий асосларини қуйидагича гуруҳлаб чиқдик. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонунчилик ҳужжатлари, маҳаллий органларнинг меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдаланилди.

Жадвалда халқаро ҳуқуқий -меъёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар солиштирма таҳлил қилинган.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий ўсиш фақат ривожланишни таъминлаш воситасигагина эмас, балки ривожланиш мақсадига айланди. Айрим мутахассисларгина иқтисодий ўсишга фақат ривожланиш воситаси деб қарар эдилар. Нобель мукофотининг лауреати Артур Льюис (1955) ривожланишнинг мақсади “инсон танловини кенгайтириш” деган хулосага келган. Узоқ вақт давомида дунёда иқтисодий ривожланиш концепцияси якка ҳукмрон бўлиб келган.

“Льюис моделининг муаллифи бўлиб, унда шаҳар саноат сектори ривожланишнинг дастлабки босқичларида қишлоқ хўжалигидаги ишсизлик туфайли таъминланган, яшаш минимумига тенг бўлган қатий белгиланган нархда ишчи кучидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, бу ерда деярли чексиз ишсиз кучи оқими яратилади. саноатни ривожлантириш учун зарур. Икки тармоқли иқтисодиётлар ривожланишининг кейинги босқичларида, ортиқча ишчи кучи таклифи тугагасх, қишлоқ хўжалигидан қўшимча ишчи кучи фақат иш ҳақини ошириш ҳисобига жалб қилинади” (Lyuiss, 1955).

Қисқача айтганда, ушбу концепциянинг моҳияти ниҳоятда содда ва тушунарли: иқтисодиёт ва меҳнат самарадорлигининг ўсиш суръати юқори бўлган, ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ва аҳоли жон бошига ўртача даромади юқори бўлган мамлакат фаровон ҳисобланади (Мирзиёев, 2021).

Вахабовнинг (2019) таъкидлашича”, аҳоли турмуш сифати – бу инсоннинг ижтимоий эркинлиги, ҳар томонлама ривожланиш имконияти, ўз иқтисодлари ва режаларини амалга ошириш даражасини ифода этувчи унинг турли ижтимоий тизимлар ва тузилмалардаги мавқеини мужассамлаштирувчи интеграл кўрсаткич ҳисобланади. Инсоннинг ижтимоий эркинлиги мамлакатда иқтисодиётнинг ривожланиши, ислохотларнинг натижаси аҳоли турмуш даражасининг шарт-шароитлари, яшаш тарзи, турли даражадаги ижтимоий қатламларнинг муносиб турмуш кечиришларини таъминлашнинг устуворлигини белгилайди.

Абдурахмоновнинг (2019) фикрича, “Турмуш даражасини белгилайдиган асосий кўрсаткичлар тизимига бир қатор кўрсаткичлар киради. БМТнинг турмуш даражаси кўрсаткичлари тизимига 12 та асосий кўрсаткичлар гуруҳи киради. Бирлашган миллатлар ташкилотининг тавсиясига кўра, туғилиш, ўлим, умр кўриш давомийлиги, санитар-гигиеник шароитларнинг мавжудлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол даражаси, уй-жой шароитлари, таълим олиш ва маданий имкониятларнинг мавжудлиги, иш шароитлари ва аҳолини иш билан бандлик даражаси, даромадлар ва харажатлар мувозанати, истеъмол нархлари, транспорт воситалари билан таъминланганлиги, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш имкониятларининг мавжудлиги, ижтимоий таъминот тизимининг мавжудлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланганлиги каби кўрсаткичлар турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнда тадбиркорлик фаолияти молиявий муносабатларининг ташкилий-услубий асосларини ўрганишга илмий-тадқиқотнинг танланма адабиётлар таҳлили, диалектик ва тизимли ёндашув, социологик тадқиқот, қиёсий ва солиштирма таҳлил, таққослаш, гуруҳлаштириш каби усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Маълумки, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг ҳуқуқий асослари давлатимизда қабул қилинган Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

1-жадвал

Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва турмуш даражасини такомлаштиришга қаратилган халқаро ва мамлакатимизда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (Мирзиёев, 2021)

Халқаро ҳуқуқий -меъёрий ҳужжатлар	Ўзбекистон республикасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йил.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2014. -46 б.
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 1966 йил.	2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони
БМТ Бош Ассамблеясининг 41/128 резолюцияси билан қабул қилинган Ривожланиш ҳуқуқи Декларацияси. 1986 йил 4 декабр.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазибаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарор.
Халқаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Декларация.1990 йил	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида №5087 сонли Фармони
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт 1966 йил.	«Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сонли Қарор. 2016 йил 24 август.
Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси 1990 йил.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5969-сонли Фармони
БМТ Бош Ассамблеясининг Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюцияси. 2015 йил сентябрь.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 феврал 2021–2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган 5634 сонли Фармон
БМТ Бош Ассамблеясининг Тенгсизликни ҳисобга олган ҳолда инсон тараққиёти индекси 2016 йил май.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29.11. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ПФ-26 Фармони

Бу борада айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ҳам бу соҳани янада ривожлантиришнинг муҳим ҳужжатларидан бири бўлди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси, 4 та протоколига қўшилган бўлиб, иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва ҳукумат томонидан уни мустақамлаш борасида янги устувор вазибаларнинг ижроси таъминланишига эришилмоқда.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, табиий ресурслар, демографик вазият, муъмурий-худудий тузилиши ва салоҳиятига қараб иқтисодий ривожлантириш талаб қилинади.


Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 08 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ – 3182-сон қарори ҳудудларни комплекс ривожлантириш

ва рақобатбардошлигини оширишнинг мақсадли йўналишларини тўғри белгилашда асос бўлди.

Мазкур қарорда “Худудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қурилиши тугалланмаган объектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва худуднинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш” (Қарор, 2020) алоҳида белгилаб берилган. Шу асосида мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли турмуш тарзи, фаровонлигини ва иш билан бандлигини ошириш, худудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроя ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифаларни бажаришда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” ПҚ №4702 сонли қарори ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур қарорда “...худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми йўқлиги тўсқинлик қилмоқда” (Қарор, 2020).

Мазкур қарорга асосан, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этиш белгиланди.



2-расм. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими²⁹

Ҳозирги тараққиёт босқичида худудларда инвестициялардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, иқтисодий таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш ва ривожланишига алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлаш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга асосланган инновацион тамойилларга асосланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Худудлар иқтисодий ривожланиши иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик

²⁹ <http://aftershock.news>, www.exporth.by/act/doc@mode, <http://aftershock.news>

жараёнлар ўзаро боғлиқлиги модернизациялаш, инновацион иқтисодий шакллантириш, ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этади.

Хулоса ва таклифлар.

Худудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг ташкилий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини, табиий ресурслар, демографик вазият, маъмурий-худудий тузилиши ва салоҳиятига қараб иқтисодий ривожлантиришни талаб қилади. Ҳар бир худуд аввало ўз имкониятлари жиҳатидан бир-биридан фарқланади, шунинг учун унинг кенг қамровли ва комплекс баҳолаш имкониятини ўрганганди иқтисодий ўсиш даражаси, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш, рақобатбардошлик даражасини, янги иш ўрнининг яратилиши, демографик ҳолат, ижтимоий турмуш ва ижтимоий инфратузилмаси алоҳида эътиборга олиниши лозим. Тадқиқотда худудларнинг иқтисодий ўсишини ривожлантириш самарадорлигини таъминлашга таъсир кўрсатувчи иқтисодий, ижтимоий, ишлаб чиқариш, инновацион-техник мақсадли йўналишларни қуйидагича гуруҳланди.

Иқтисодий тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030-йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш.

➤ Миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш.

➤ Иқтисодий электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодий” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.

➤ Рақамли иқтисодий асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Lyuys V.A. (1955) *Iqtisodiy o'sish nazariyasi*. - London: Allen va Unvin.

Vaxabov A.V. (2019) *Ijtimoiy siyosat". O'quv qo'llanma i.f.d., prof. A.V. Vaxabovning umumiy tahriri ostida – Toshkent.: "Universitet", 242 b.*

Абдурахмонов Қ. (2019) *Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «fAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. – 386 б.*

Қарор (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” ПҚ №4702. Lex.uz.*

Қонун (2017) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2017 йилдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ – 3182-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 32 (792) – сон, - 63 б.*

Мирзиёев Ш. (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 2020 йил 24 сентябрь.*

Мирзиёев Ш. (2021) *Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 20.08. кунги тадбиркорлар билан мулоқотидаги маърузасидан. <https://president.uz/uz/lists/view/4550>*

Халқаро молия фонди [https:// www.imf.org/ external/pubs/ft/sdn/2015/sdn/1504.pdf](https://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn/1504.pdf). маълумотлари.